ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Рахимова Анора Алижоновна,
Андижон давлат педагогика институти
Ижтимоий фалсафа йўналиши мустақил
тадқиқодчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада ижтимоий адолатнинг мазмуни, асосий тамойиллари, унинг демократик жамиятдаги ўрни, шунингдек, Ўзбекистон мисолида ижтимоий адолатни таъминлаш йўналишлари ва долзарб масалалар таҳлил қилинади.Ижтимоий адолат — жамият тараққиёти ва барқарорлигининг энг муҳим шарти. Адолат устувор бўлган жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, тенглик таъминланади, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўлади. Ўзбекистон ҳам бу борада изчил ислоҳотларни амалга ошириб, адолатли жамият барпо этишга интилмоқда. Бироқ, мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ва ижтимоий соҳада барқарорликни таъминлаш давлат ва жамият учун устувор вазифа бўлиб қолаверади.*

Калит сўзлар: *Ижтимоий адолат, тенглик, ҳалоллик, жамият, қонун, гендер тенглик, суд-ҳуқуқ тизимини Қонун устуворлиги Ижтимоий ёрдам*

Кириш.

Инсон бу дунёга келар экан унинг яшаб ўтиш даврида қандайдур бирламчи ва иккламчи эҳтиёжларга зарурат сезади. Бу эҳтиёжларни қондириш учун эса у меҳнат қилади, илм олади ёки бирор бир фаолият билан шуғулланади. Ўз навбатида у бу борада қандайдур муаммоларга дуч келиши табиий. Бундай холатларда эса энди инсон адолатга эҳтиёж сеза бошлайди. Жамият тараққий этиши давомида энг долзарб бўлиб келган масалалардан бири бу — ижтимоий адолатдир. Ҳар қандай жамият, ҳар бир давлат, ҳар бир миллат борки табиий равишда адолатга интилади. Адолат мавжуд бўлган жойда барқарорлик, тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва ишонч шаклланади. Аксинча, адолатсизлик мавжуд бўлган муҳитда ижтимоий зиддиятлар, бошбодоқликлар тенгсизлик, норозилик ва тушкунлик, жамиятдан хавфсираш, сиёсатдан кўнгли тўлмаслик кучаяди.

Шунинг учун ижтимоий адолат нафақат маънавий тушунча, балки давлат бошқаруви, ҳуқуқий тизим, иқтисодий муносабатлар ва жамиятнинг ижтимоий тизимларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ижтимоий адолат тушунчаси ва унинг фалсафий асослари. Ижтимоий адолат - бу жамият аъзоларининг имкониятлар, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва ресурслардан фойдаланиш борасидаги тенглиги, шунингдек, уларнинг меҳнати, ҳиссаси ва эҳтиёжларига мос равишда муносиб ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлишидир. Ушбу тушунча икки асосий ғояни ўз ичига олади:

Тенглик - инсонлар туғилишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши керак.

Ҳалоллик - жамият ресурслари адолатли тақсимланиши, ҳар кимнинг меҳнати ва ҳиссаси муносиб баҳоланиши лозим.

Фалсафада Аристотель „ Давлат *асарид*а алоҳида тўхталиб жтимоий адолатни "ҳар кимга ўзига хос улушни бериш"[ ] сифатида изоҳлаган. Кейинчалик Жон Ролс адолатни “ҳақиқатдан кейин келадиган энг олий қадрият” деб таърифлаб, ижтимоий институтлар имкон қадар тенглик яратиши лозимлигини таъкидлади

Юқоридаги иқтибослардан келиб чиқиб, ижтимоий адолат — бу инсон ҳуқуқлари, жамият тараққиёти ва иқтисодий барқарорликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.

Ижтимоий адолатнинг асосий тамойиллари:

1. Жамиятдаги тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар. Ҳар бир давлат фуқароси қайси миллатга, жинсга, ижтимоий гуруҳга мансублигидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши керак. Бунга таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш, фикр билдириш ва сиёсий жараёнларда иштирок этиш киради. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам алоҳида моддалар билан мустаҳкамлаб қўйилган .

51-модда.

Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.

48-модда.

Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.

42-модда.

Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

34-модда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Меҳнатга қараб тақдирлаш. Жамиятда адолат бўлиши учун ҳар кимнинг меҳнати ҳақиқатга мос баҳоланиши зарур. Тенг меҳнатга — тенг ҳақ, кўпроқ меҳнатга — кўпроқ ҳақ берилиши ижтимоий адолатнинг муҳим тамойилидир. Бу борада собиқ СССРни оладиган бўлсак, ўша даврада адолат деган тушунчага яъни меҳнатга қараб ҳақ тўланиш борасида адолатсизликка йўл қўйилгани ҳаммамизга маълум. Бунда инсонларда боқимандалик иллатлари авж олган. Чунки ишлаган ҳам, ишламаган ҳам бир хил ҳаёт кечиришга мажбур тамойили илгари сурилган эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бундай адолатсизликка чек қўйилди ва ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ тўланадиган бўлди. Бу эса ўз навбатида жамияатда ижтимоий адолат мезонларини таъминлашга хизмат қилади.

3. Ижтимоий ҳимоя. Ижтимоий химояга мухтож қатламларни қўллаб-қувватлаш — ижтимоий адолатнинг ажралмас қисмидир. Ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, етимлар, кекса инсонлар давлат ва жамият томонидан ҳимояланиши лозим. Эркак ва аёллар гендер тенглигини таъминлаш ҳам жамиятда аёлларга нисбатан тазъйиқ ва зўравонликларни олдини олиш. Зўравонлик юз берган тақдирда ҳимоя ордерлар бериш; уларнинг ҳаётлари давомида адолат билан ёндашиш зарурати бажариш.

4. Очиқлик ва шаффофлик. Давлат бошқарувида, тақсимот жараёнларида шаффофлик бўлмаса, адолатни таъминлаб бўлмайди. Шаффофлик коррупцияга қарши курашнинг ҳам пойдевори ҳисобланади.

5. Қонун устуворлиги. Қонун ҳамма учун баробар бўлсагина, жамиятда ҳақиқий адолат қарор топади. Қонун устуворлиги — демократик жамиятнинг энг асосий кўрсаткичи. Ижтимоий адолат жамият ривожида ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Адолат устувор бўлган жамиятда норозилик, низо ва зўравонлик кам учрайди. Аҳолининг давлатга ишончи мустаҳкамланади. Иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Адолатли муҳитда инсонлар ўз салоҳиятини эркин намоён қила олади. Рағбат тизими тўғри ишлаганда меҳнат самарадорлиги ошади, инновациялар кучаяди. Маънавий юксалишнинг негизи бўлади. Адолатли жамиятда инсонлар ўз қадрини ҳис қилади, ҳалоллик, масъулият ва ватанпарварлик каби фазилатлар ривожланади.

Тенглик, бағрикенглик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Ижтимоий адолат миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг асосий омилларидан биридир.

Ўзбекистонда ижтимоий адолатни таъминлаш йўналишлари. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улар қуйидаги йўналишларда кўзга ташланади:

1. Таълим ва соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш. Таълим сифатини ошириш, шаффоф ва адолатли қабул тизимларини шакллантириш, бепул тиббий хизмат кўламини кенгайтириш — ижтимоий адолатнинг муҳим қадамларидан биридир.

2. Камбағалликни қисқартириш дастурлари. “Яшил макон”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ,,Аёллар дафтари “, ,,Ёшлар дафтари “ каби ташаббуслар аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган.

3. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш. Судларнинг мустақиллигини таъминлаш, адолатсиз жазоларни бекор қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

4. Аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш. Аёлларни тадбиркорлик, таълим, сиёсат ва ижтимоий соҳаларда қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бандлиги ва таълим имкониятларини кенгайтириш йўлга қўйилган.

5. Коррупция билан курашиш. Коррупция — ижтимоий адолатнинг асосий душмани. Ўзбекистонда сўнгги йилларда коррупцияга қарши тизимли кураш кучайтирилди ва шаффофлик оширилмоқда.

Ижтимоий адолатга эришишдаги муаммолар. Шунга қарамай, ижтимоий адолатни тўлиқ таъминлаш йўлида бир қатор муаммолар мавжуд:

- иқтисодий тенгсизлик;
- ижтимоий хизматлар сифати бўйича ҳудудлар ўртасидаги тафовутлар;
- коррупция унсурлари;
- аҳоли бандлиги, айниқса, ёшлар бандлиги билан боғлиқ муаммолар;
- ресурсларнинг нотўғри тақсимланиши.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун узлуксиз ислоҳотлар ва самарали бошқарув зарур.

Ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар:

Таълим сифатини янада ошириш, айниқса чекка ҳудудларда.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, хусусий сектор билан ҳамкорликни кенгайтириш.

Меҳнат бозорини модернизация қилиш, ёшлар бандлигини ошириш.

Коррупцияга қарши курашни кучайтириш, бюджет жараёнларини тўлиқ шаффофлаштириш.

Ижтимоий ёрдам дастурларини аниқ мақсадли гуруҳларга йўналтириш.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив инфратузилмани ривожлантириш.

Қонун устуворлигини таъминлаш, суд тизими шаффофлигини ошириш.

Хулоса. Ижтимоий адолат - жамият тараққиёти ва барқарорлигининг энг муҳим шарти. Адолат устувор бўлган жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, тенглик таъминланади, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўлади. Ўзбекистон ҳам бу борада изчил ислоҳотларни амалга ошириб, адолатли жамият барпо этишга интилмоқда. Бироқ мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ва ижтимоий соҳада барқарорликни таъминлаш давлат ва жамият учун устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Ижтимоий адолатни таъминлаш - бу бир кунлик иш эмас. Бу узлуксиз саъй-ҳаракат, пухта сиёсат, кенг жамоатчилик иштироки ва самимий инсонийликка асосланган жараёндир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. LexUZ сайти
3. Платон „Давлат” асари
4. Хукукий норматив хужжатлар
5. Интернет маьлумотлар